

**ҚОРАҚАЛПОҚ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.04.2021.Fil.20.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ҚОРАҚАЛПОҚ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ТОЛИБАЕВ ХОЖААХМЕД ЕЛБАЕВИЧ

**ҚОРАҚАЛПОҚ ДОСТОНЛАРИДАГИ ТОПОНИМЛАРНИНГ
ЛИНГВОМАДАНИЙ ТАҲЛИЛИ**

10.00.03 – Қорақалпоқ тили

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Нукус – 2022

**Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
диссертация автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
по филологическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of the doctor of philosophy (PhD)
on philological sciences**

Толибаев Хожаахмед Елбаевич Қорақалпоқ дostonларидаги топонимларнинг лингвомаданий таҳлили.....	3
Толибаев Хожаахмед Елбаевич Лингвокультурологический анализ топонимов каракалпакских дастанах.....	23
Tolibaeв Khojaakhmed Elbaevich Linguocultural analysis of toponyms in Karakalpak epic poems.....	43
Эълон қилинган ишлар рўйхати Список опубликованных работ List of published works.....	47

**ҚОРАҚАЛПОҚ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.04.2021.Fil.20.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ҚОРАҚАЛПОҚ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ТОЛИБАЕВ ХОЖААХМЕД ЕЛБАЕВИЧ

**ҚОРАҚАЛПОҚ ДОСТОНЛАРИДАГИ ТОПОНИМЛАРНИНГ
ЛИНГВОМАДАНИЙ ТАҲЛИЛИ**

10.00.03 – Қорақалпоқ тили

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Нукус – 2022

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2020.4.PhD/Fil1505 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Қорақалпоқ давлат университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (Ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.karsu.uz) ва «Ziyounet» ахборот таълим порталида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Абдиназимов Шамшетдин Нажимович
филология фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Нажимов Пердебай Айманович
филология фанлари доктори, катта илмий ходим

Қурбанов Муҳтарбай Даулетбаевич
филология фанлари номзоди

Етакчи ташкилот:

Бухоро давлат университети

Диссертация химояси Қорақалпоқ давлат университети ҳузуридаги DSc.03/30.04.2021.Fil.20.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2022 йил «11» ноябрь соат 10.00 даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 230112, Нукус шаҳри, Ч. Абдиоров кўчаси, 1 уй. Тел.: (99861) 223-59-25, факс: (99861) 223-59-25; e-mail: karsu_info@edu.uz.)

Диссертация билан Қорақалпоқ давлат университети Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (97 рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 230112, Нукус шаҳри, Ч. Абдиоров кўчаси, 1 уй. Тел.: (99861) 223-59-25.)

Диссертация автореферати 2022 йил «25» октябрь да тарқатилди.
(2022 йил «25» октябрь даги 19 рақамли реестр баённомаси).



Қ.Қ. Оразымбетов

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш
райси, филол.ф.д., профессор

Д.Б. Сейткасымов

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш
илмий котиби, филология фанлари бўйича
фалсафа доктори (PhD), доцент

М.С. Қудайбергенов

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш
қошидаги Илмий семинар райси, филол.ф.д.,
профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон тилшунослигида тилнинг фақат шаклини эмас, балки унинг ички ҳолатини, семантикасини тадқиқ қилишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Яъни тилни ўрганишда прагмалингвистика, лингвопоэтика, лингвофольклористика йўналишларида тадқиқотлар олиб бориш, бадиий матнни таҳлил қилиш тамойиллари такомиллаштирилиб, дискурс лингвистика, матн лингвистикаси сингари соҳалар ривожланмоқда. Шу асосда тилшунос олимларнинг эътибори миллий тилларни антропоцентрик парадигмада ўрганишга қаратилмоқда. Айниқса, когнитив лингвистика ва лингвокультурологик аспектларда илмий тадқиқот ишлари амалга оширилмоқда.

Дунё тилшунослигида тил ва маданият масаласи тил ҳақидаги илмнинг асосий йўналишларининг бирига айланди. Тил – бизни ўраб турган олам ҳақидаги тушунчаларимизни акс эттирувчи концептлар тизими сифатида намоён бўладиган ўзига хос ҳодиса. Ана шундай тушунчалар йиғиндиси оламнинг лисоний манзарасини ташкил этади. Тилшуносликда лингвофольклористика ва лингвокультурологиянинг алоҳида соҳа сифатида шаклланиб, ривожланиши натижасида халқ дostonлари тилини махсус ўрганиш зарурати пайдо бўлди. Dostonларда учрайдиган атоқли отлар ёки онимлар, айниқса, жой номлари дунёнинг архаик кўринишини акс эттирувчи, халқнинг ўтмишдаги тафаккури, дунёқарашини кўрсатувчи омиллардан саналади. Топонимлар халқ маданияти, тарихи, жойлашиш ўрни, этник таркиби, турмуш тарзи, дунёқараши ҳақида маълумотлар берувчи бирликлар ҳисобланиб, янги илмий парадигмалар асосида ўрганишга диққат қаратилди.

Кейинги пайтларда қорақалпоқ халқининг бой маданияти намунаси саналган қорақалпоқ оғзаки ижодини ўрганиш фаннинг турли соҳаларида – фольклористика, тилшунослик, тарих, адабиётшунослик, этнография қабиларда қизиқишни юзага келтирмоқда. Айниқса, 100 жилдлик қорақалпоқ фольклорининг нашр этилиши бунга кенг имкониятлар эшигини очди. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев бу ҳақда: «Қорақалпоғистонлик олимлар томонидан 100 жилддан иборат «Қорақалпоқ фольклори»нинг чоп этилиши, ҳеч шубҳасиз, катта меҳнат натижаси. Эндиги вазифа мана шундай ажойиб маънавий бойликнинг ёш авлодимиз кўнглидан чуқур ўрин олиши учун фарзандларимизнинг китобхонлик маданиятини оширишдан иборат»¹ – деб таъкидлайди. Шу нуқтаи назардан, қорақалпоқ оғзаки ижоди тилининг семантикаси, шунингдек эпослардаги ономастик материалларни тадқиқ қилиш қорақалпоқ тилшунослиги олдида турган муҳим вазифалардан бири ҳисобланади. Диссертациянинг долзарблиги қорақалпоқ дostonларидаги топонимларни тизимли тавсифлаш орқали белгиланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 21 октябрдаги ПФ-5850-сон «Ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги нуфузи ва мавқеини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2020 йил 20 октябрдаги ПФ-6084-сон

¹ Мирзиёев Ш. Буюк келажакимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қураимиз. – Тошкент: Ўзбекистон, 2017. – Б. 217-218

«Мамлакатимизда ўзбек тилини янада ривожлантириш ва тил сиёсатини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонлари, Ўзбекистон Республикасининг 2011 йил 12 октябрдаги ЎРҚ-303-сон «Географик объектларнинг номлари тўғрисида»ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 4 октябрдаги ПҚ-4479-сон «Ўзбекистон Республикасининг «Давлат тили ҳақида»ги Қонун қабул қилинганлигининг ўттиз йиллигини кенг нишонлаш тўғрисида»ги Қарори, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 4 мартдаги 48-сон «Шаҳарлар, посёлкалар ва қишлоқларнинг маҳаллаларини тузиш, бирлаштириш, ажратиш ва бартараф этиш, шунингдек уларнинг чегараларини белгилаш ва ўзгартириш, уларга ном бериш ва уларнинг номларини ўзгартириш тартиби тўғрисида»ги Қарори, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси Президиумининг 2019 йил 16 октябрдаги 584-сон «Давлат тили ҳақида»ги Қорақалпоғистон Республикаси Қонуни қабул қилинганлигининг 30 йиллигига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишни ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2020 йил 3 ноябрдаги 135-сон «Қорақалпоқ тилининг давлат тили сифатидаги обрўси ва ўрнини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарорлари ва ушбу фаолиятга оид бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу тадқиқот иши муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Диссертация республика фан ва технологиялари ривожланишининг I. «Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Жаҳон тилшунослигида, шунингдек, рус тилшунослигида топонимлар лингвокультурологик аспектда анча чуқур ўрганилган². Бу тадқиқотларнинг бир қанчаси халқ оғзаки

² Передреева Т.В. Лингвокультурологический потенциал немецких топонимов: Дис... канд. филол. н. – Уфа, 2018. – 182 с.; Давлеткулова Л.Н. Топонимы в лингвокультурологическом аспекте (на примере географических названий графства Оксфордшир и Челябинской области): Дис... канд. филол. н. – Челябинск, 2014. – 220 с.; Сизова Е.А. Лингвокультурологический анализ урбанонимов (на материале английского, русского и французского языков): Автореф. дис... канд. филол. н. – Пятигорск, 2004. – 19 с.; Ражина В.А. Ономастические реалии: лингвокультурологический и прагматический аспекты: Автореф. дис... канд. филол. н. – Краснодар, 2007. – 19 с.; Усова Н.В. Имя собственное как феномен лингвокультуры: Автореф. дис... докт. филол. н. – Донецк, 2019. – 43 с.; Пушкарёва Ю.Г. Урбанонимия города Улан-Удэ: лингвокультурологический аспект: Автореф. дис... канд. филол. н. – Улан-Удэ, 2013. – 23 с.; Гальцова А.С. Лингвокультурологический потенциал Петербургской топонимии: Автореф. дис... канд. филол. н. – Санкт-Петербург, 2011. – 23 с.; Дамбуев И.А. Ойконимия Циркумбайкальского региона: лингвокультурологический аспект: Автореф. дис... канд. филол. н. – Улан-Удэ, 2004. – 24 с.; Ковлакас Е.Ф. Особенности формирования топонимической картины мира: лексико-прагматический и этнокультурный аспекты: Автореф. дис... докт. филол. н. – Краснодар, 2009. – 51 с.; Сударь Г.С. Топонимия Испании как объект лингвокультурологического исследования: Автореф. дис... канд. филол. н. – Москва, 2004. – 20 с.; Сапиева С.К. Концепт Кавказ в российском лингвокультурном пространстве: когнитивно-дискурсивный аспект: Автореф. дис... канд. филол. н. – Майкоп, 2015, – 23 с.; Репринцева Н.И. Семантика и функционирование имен собственных в фольклорной литературной сказке (на материале английского языка): Автореф. дис... канд. филол. н. – Майкоп, 2013. – 26 с.; Халтуева Г.О. Топонимический лексикон «Сокровенного сказания монголов» и «Кодзики»: общее и частное: Автореф. дис... канд. филол. н. – Улан-Удэ, 2009. – 28 с.; Уразметова А.В. Лингвокультурологический аспект изучения топонимов в составе фразеологических единиц

ижодидаги атоқли отларни, бошқалари миллий тиллар топонимиясини лингвокультурологик йўналишда ўрганиш объекти сифатида танланганлигини кўрамиз. Туркий тилшуносликда ҳам фольклор асарлари ономастикаси, бадий сўз санъаткорлари тилида қўлланилган атоқли отларни ўрганишга бағишланган диссертация ишлари амалга оширилган³.

Қорақалпоқ тилшунослигида бадий матнлар, шу жумладан фольклор матнларидаги жой номлари материаллари асосида махсус тадқиқот олиб борилмаган. Бу бўйича маълумотлар бадий асар ёки маълум иждоқор тилини махсус ўрганишга бағишланган номзодлик ёки докторлик диссертацияларида учрайди⁴.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасаси илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация Қорақалпоқ давлат университетининг «Ҳозирги қорақалпоқ тилининг долзарб масалалари» мавзусида олиб борилаётган илмий-тадқиқот йўналиши доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади қорақалпоқ дostonларидаги топонимларни, жой номлари семантикасидаги маданий компонентларни, услубий қўлланилиши ва дostonлардаги жой номларини идрок этиш хусусиятларини очиб беришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

дунё тилшунослигида топонимларни лингвомаданий аспектда ўрганиш йўналишидаги назарий масалаларни ўрганиш;

топонимлар семантикасидаги миллий-маданий компонентларни аниқлаш;

қорақалпоқ дostonлари тилида қўлланилган топонимларни номинацияси бўйича илмий таснифлаш;

(на материале английского и французского языков) : Автореф. дис... канд. филол. н. – Уфа, 2006. – 24 с.; Шодиев М.С. Лингвистический анализ топонимов произведений Садриддина Айни: Автореф. дис. ... канд. филол. н. – Душанбе, 1994. – 22 с.

³ Халыгов Ф. Р. Фольклорная ономастика азербайджанского языка: Автореф. дис. ... докт. филол. н. – Баку, 2004. – 55 с.; Бағырова Ф.Б. С.Рәһимовун әсәрләринин ономастик лексикасы: Автореф. дис. ... канд. филол. н. – Баку, 1995. – 20 с.; Mikayılova Ə. Onomastik vahidlərin üslubi imkanları (XIX əsrin ikinci yarısında yaranmış nəsr əsərlərinin materialları əsasında linqvistik tədqiqat). - Bakı: Memar Nəşriyyat-Poliqrafiya, 2008. – 302 s.; Şükürlü E.Ə. Qədim türk yazılı abidələrinin dilində onomastik vahidlər. - Bakı: Mütərcim, 2011. – 124 s.; Санжеева Л.Ц. Ономастика эпоса «Гэсэр»: Автореф. дис. ... канд. филол. н. – Улан-Удэ, 2000. – 16 с.; Керимбаева С. Е. Ономастическая экспликация мифологической модели мира в казахском языке: Автореф. дис. ... канд. филол. н. – Алматы, 2004. – 28 с.; Керимбаев Д. М. Состав и этнолингвистическая характеристика собственных имён казахского фольклора: Автореф. дис. ... канд. филол. н. – Алматы, 2004. – 28 с.; Оллоёров Қ.М. Хоразм дostonлари ономастикаси (ўзбек, қорақалпоқ, туркман тили материаллари асосида): Филол. фан. ном. ...дис. – Урганч, 2011. – 147 б.; Курбонов Т., Худойбердиева М. Бадий асарлардаги топонимларнинг лингвистик ва изоҳи масаласи (Пиримкул Қодировнинг «Юлдузли тунлар», «Хумоюн ва Акбар» романлари материаллари асосида). – Самарқанд: СамДУ, 2009. – 80 б.

⁴ Абдиназимов Ш.Н. «Қырқ қыз» дostonининг лексикасы: Филол. и. канд. ...дис. – Нөкис, 1992. –Б. 62-69; Ўша муаллиф. «Қырқ қыз» эпосындағы топонимлер // Материалы XIII-ой научно-теоретической конференции профессорско-преподавательского состава НГУ. – Нукус, 1989. – С. 106-112; Ўша муаллиф. Бердақ шығармаларының тили: Филол. и. докт. ...дис. – Нөкис, 2001. –Б. 220-224; Абдиев А.Т. «Алпамыс» дostonы тилинің лексика-семантикалық хәм стилистикалық өзгешеликлери (Өгиз жыраў варианты тийкарында): Филол. и. канд. ...дис. – Нөкис, 2011. –Б. 34-38; Кунназарова Ш.М. Қорақалпоқ халк эртақларининг лексик-семантик ва лингвомаданий тахлили: Филол. фан. фалс. докт. (PhD) дис. автореф. – Нукус, 2020. – 51 б.; Карлыбаева Г.Е. Әжинияз шығармалары тилинің семантика-стилистикалық өзгешеликлери: Филол. и. докт. ...дис. – Нөкис, 2017. –Б. 77-85.

топонимларнинг халқ оғзаки ижодидаги ўзига хос лисоний вазифаси – услубий вазифаларини, шунингдек, ижрочилар тилида фойдаланиш маҳоратини аниқлаш;

қорақалпоқ халқининг топонимлар номинациясига бўлган ақл-заковати ёки у билан боғлиқ қарашларини, уларнинг халқ ўтмиши, турмуш тарзи, маданияти билан боғлиқлигини очиб бериш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида «Қорақалпоқ фольклори» 100 жилд-лигининг 1-66 жилдларида берилган қорақалпоқ халқ дostonлари тилидаги топонимлар асосий манба вазифасини бажарди. Тадқиқот давомида жами 509 топоним таҳлилга тортилди.

Тадқиқотнинг предмети – қорақалпоқ дostonларидаги топонимларнинг ўзига хос тил хусусиятларини, номинациясини, топонимлар семантикасидаги миллий-маданий компонентлар, тарихий келиб чиқишига доир қатламларини, топонимларнинг лингвомаданий ва услубий хусусиятларини очиб беришдан иборат.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотда белгиланган мақсад ва вазифаларни амалга оширишда тавсифий, қиёсий, диахрон, семантик-структур, структур-функционал, компонент таҳлил, этимологик, баён қилиш ва фикрларни хулосалаш усулларида фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

қорақалпоқ халқ дostonлари топонимлари таркибидаги этноним, фитоним, зоонимлар семантикасидаги миллий-маданий хусусиятлари аниқланган;

қорақалпоқ дostonларидаги топонимларга географик ном беришда меморатив ва дескриптив турларга ажратилган ҳолда халқнинг географик объектга ном бериш ёки олдиндан мавжуд бўлган объектни қабул қилишдаги миллий ментал тушунчалари далилланган;

дostonлар тилидаги топонимларнинг компаратив услубий вазифаси далилланиб, бадий сўзнинг таъсир этиш функцияси очиб берилган;

топонимик миф ва афсоналарда халқимизнинг атрофимиздаги олам, ер-сув объектларига ном беришидаги дастлабки фаразларини билдириб келиши, уларни идрок этишда тарихий вазиятларни акс эттирадиган когнитив конгломерат эканлиги исботланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

олий таълим муассасалари учун (Lingvokulturologiya. – Nukus: Qaraqalpaqstan, 2020. 160 bet. ISBN 978-9943-6769-6-1) ўқув қўлланма яратилиб, ўқув даргоҳларига тадбиқ этилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 30 июндаги 359-сон буйруғи, 359-081-рақамли нашр рухсатномаси).

қорақалпоқ дostonларидаги топонимларни ўрганишга оид таҳлил қилинган материаллар, масалани илмий таҳлил этиш натижасида эришилган хулосалар, далиллар ва фикр-мулоҳазаларда ҳозирги қорақалпоқ тилшунослиги, айниқса, ономастика, янгидан шаклланган ва ривожланаётган лингвофольклористика, лингвопоэтика ҳамда лингвокультурология соҳалари учун муҳим илмий маълумотлар кўрсатилган;

қорақалпоқ тилшунослигида бадиий матндаги топонимлар илк марта махсус тадқиқ объекти сифатида танланганлиги ва тадқиқот натижаларидан олинган илмий хулосалар шу йўналишда келгусида илмий тадқиқотлар олиб боришда манба вазифасини бажариши, олий таълим муассасаларида ономастика, лингвопоэтика, лингвофольклористика, лингвокультурология фанларини ўқитишда амалий жиҳатдан ёрдам бериши далилланган;

қорақалпоқ дostonларидаги топонимларни таҳлил қилиш натижалари хулосасида топонимик, изоҳли, этимологик луғатлар тузишда, қорақалпоқ тилшунослигида янги ўқув қўлланма ва дарсликлар яратишдаги амалий аҳамияти асослаб берилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги диссертацияни тайёрлаш жараёнида қўлланилган усуллар, назарий маълумотларнинг ишончли илмий манбалардан, келтирилган мисолларнинг қорақалпоқ дostonлари матнидан олинганлиги, таҳлил ва хулосаларнинг тавсифий, қиёсий, диахрон, семантик-структур, структур-функционал, компонент таҳлил, этимологик, баён қилиш ва фикрларни хулосалаш усуллари билан асосланганлиги, олинган натижаларнинг тегишли илмий муассасалар томонидан тасдиқланганлиги билан тавсифланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти, бадиий матнда қўлланилган топонимларнинг ўзига хос тил хусусиятларига эга эканлиги, бадиий матнда поэтик вазифаларни бажариши, халқнинг идроки, дунёқараши, маданиятини акс эттириши кўрсатилган бўлиб, қорақалпоқ лингвофольклористикаси, ономастика, лингвопоэтика, лингвокультурология соҳаларининг илмий асосларини ривожлантиришга хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти, диссертация натижаларидан таълим соҳасидаги барча филологик йўналишларда лингвофольклористика, лингвопоэтика, лингвокультурология ва ономастика фанлари бўйича маърузалар, махсус курслар ташкил этиш, бадиий асар тилини таҳлил қилиш, қорақалпоқ дostonларида қўлланилган топонимларнинг изоҳли ва этимологик луғатларини тузишда, шунингдек, тадқиқотчилар учун назарий ва амалий манба сифатида фойдаланилади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Қорақалпоқ халқ дostonларидаги топонимларни тадқиқ қилиш бўйича олинган натижалар асосида:

қорақалпоқ халқ дostonлари топонимлари таркибидаги этноним, фитоним, зоонимлар семантикасидаги миллий-маданий хусусиятларига доир илмий-назарий хулосалардан Ўзбекистон Фанлар академияси Қорақалпоғистон бўлими Қорақалпоқ гуманитар фанлар илмий-тадқиқот институтида 2012-2016 йилларда ФА-А1-Г003 – «Хозирги қорақалпоқ тилида функционал сўз ясалиши» мавзусидаги фундаментал илмий-тадқиқот лойиҳасида белгиланган вазифаларни амалга оширишда фойдаланилган (Ўзбекистон Фанлар академияси Қорақалпоғистон бўлими Қорақалпоқ гуманитар фанлар илмий-тадқиқот институтининг 2021 йил 23 ноябрдаги 362/1-сон маълумотномаси). Натижада топонимларнинг географик терминлар,

конверсия усуллари орқали ясалиши, топонимлар таркибида инсон тана аъзолари номлари, ранг билдирувчи сўзлар, сон ва сон маъносидаги сўзлар қўлланилганлиги функционал сўз ясалишини илмий далиллар билан бойитишга хизмат қилган;

қорақалпоқ дostonларидаги топонимларга географик ном беришда меморатив ва дескриптив турларга ажратилган ҳолда халқнинг географик объектга ном бериш ёки олдиндан мавжуд бўлган бўлган объектни қабул қилишдаги миллий ментал тушунчалари тўғрисидаги маълумотлардан Қорақалпоғистон телеканалининг «Муносабат» телекўрсатувида ҳамда Қорақалпоғистон радиосининг «Тилга эътибор – элга эътибор» радиоэшиттиришларини тайёрлашда фойдаланилган (Қорақалпоғистон Республикаси телерадиокомпаниясининг 2022 йил 7 январдаги 01-04-09/10-сон маълумотномаси). Натижада мазкур эшиттиришлар орқали тингловчиларга халқнинг ер-сув объектларига ном беришидаги ўзига хос белгилари тўғрисидаги маълумотлар кенг жамоатчилик эътиборига ҳавола этилиб, илмий билимларини оширишда амалий аҳамият касб этган;

дostonлар тилидаги топонимларнинг компаратив услубий вазифаси, бадий сўзнинг таъсир этиш функцияси билан боғлиқ материаллардан Бердак номидаги Қорақалпоқ адабиёти тарихи давлат музейида қорақалпоқ мумтоз шоирлари асарларида қўлланилган топонимлар маъносини очиб беришда муҳим манба сифатида фойдаланилган (Қорақалпоғистон Республикаси Маданият вазирлигининг 2021 йил 23 ноябрдаги 4-04/1741-сон маълумотномаси). Натижада музей экспозицияларини бойитишга, шунингдек, топонимларни тил ва маданият, халқ тарихи билан боғлиқ ҳолда, ижрочиларнинг топонимлардан бадий сўзнинг эстетикаси талабига мос фойдаланишидаги маҳоратини ўрганиш орқали олинган маълумотлардан ёшларни маданий қадриятлар, санъатга муҳаббат руҳида тарбиялашга хизмат қилган;

топонимик миф ва афсоналарда халқимизнинг атрофимиздаги олам, ер-сув объектларига ном беришидаги дастлабки фаразларини билдириб келиши, уларни идрок этишда тарихий вазиятларни акс эттирадиган когнитив конгломерат эканлигига оид илмий ва амалий хулосалардан «Лингвокультурология» номли ўқув қўлланмани тайёрлашда фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 30 июндаги 359-сон буйруғи, 359-081-рақамли нашр рuxсатномаси). Натижада фольклор асарларидаги ономастик бирликларнинг лингвомаданий ўрганилиши, аҳамияти, прецедентлик ҳодисасига оид фикр ва мулоҳазалар асосида ўқув қўлланма мавзулари назарий жиҳатдан такомиллашган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 14 илмий-амалий конференцияда, шундан 11 халқаро ва 3 республика илмий-амалий конференцияларида маъруза тарзида тавсия этилиб, апробациядан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзусига доир жами 26 илмий иш эълон қилинган, шундан 1 ўқув қўлланма, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик

диссертацияларининг асосий натижаларини чоп этиш тавсия қилинган илмий нашрларда 11 илмий мақола, жумладан 8 илмий мақола республика ва хорижий илмий журналларда 3 мақола нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, уч боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва шартли қисқартмалардан иборат бўлиб, ишнинг умумий ҳажми 145 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида мавзунинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий этиш, нашр этилган ишлар ҳамда диссертациянинг тузилишига доир маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Топонимларни лингвомаданий таҳлил қилишнинг назарий масалалари ва тадқиқи**» деб номланган биринчи боби уч қисмдан иборат. Унинг биринчи қисми «**Қорақалпоқ халқ дostonларида топонимларнинг ўрни**» деб номланиб, унда қорақалпоқ дostonларидаги топонимларни маданий-тарихий аспектда ўрганиш масалалари ёритилган.

Қорақалпоқ тилшунослигида бу соҳага доир махсус тадқиқотлар энди йўлга қўйилмоқда. Айниқса қорақалпоқ фольклор асарларидаги тил бирликларини лингвомаданий йўналишда ўрганишга бағишланган тадқиқотлар сони ортиб бормоқда. Бундай тадқиқотларни олиб боришнинг зарурлиги тўғрисида Ш.Абдиназимов куйидаги фикрни билдиради: Лингвофольклористиканинг лингвокультурология билан алоқаси, лингвокультурология халқнинг моддий, маънавий ва бадий маданиятининг тил орқали акс этишини ўрганади. Лингвофольклористика шу тилда сўзлашувчи халқ фольклори тилидаги халқнинг маънавий ва бадий маданиятининг акс этишини ўрганади⁵. Ҳақиқатдан, қорақалпоқ фольклор асарлари кўп асрлик қорақалпоқ этнографияси, маданияти, тили, тарихини ўзида жамлаган бебаҳо бойлик ҳисобланади.

Достонни бир бутун тизим сифатида олиб қарайдиган бўлсак, унинг бир элементи бўлган топонимларнинг дostonда бажарадиган вазифасини алоҳида баҳолаш жоиз. Бадий матнларда бошқа воситалар каби топонимлар ҳам муҳим рол ўйнайди: улар макон ва замон майдонида йўналтирувчилик маъносини ифодалайди. Эпослардаги топонимлар майдондаги йўналишни рамзий тарзда тасвирлаб, географик объектнинг аниқ чегарасини кўрсатишда ожизлик қилсада, дostonда қўлланилган поэтик топонимларнинг географик кўлами орқали эпизодларнинг муайян маконга боғлиқ юз берганлигини кузатиш мумкин.

⁵ Abdinazimov Sh. Lingvofolkloristika. Oqiw qollanba. – Nókis: Bilim, 2018. –B. 4.

Бадиий матнни ўқиш орқали ундан маънавий озуқа олишда, унда кўлланилган атоқли отлар – жой номлари ҳам муҳим аҳамиятга эга. Чунки бадиий матндаги атоқли отлар табиий ёки ясама (ўйлаб топилган, мифологик) объектлар номини ифодалаб келиш билан бирга ўша асарнинг ғоясига бўйсундирилиб, услубий маънони ҳам акс эттиради.

Биринчи бобнинг иккинчи қисми «**Топоним – лингвокультурологик тадқиқот объекти сифатида**» деб номланади. Лингвокультурология антропоцентрик йўналиш маҳсули сифатида сўнгги йилларда кўп тадқиқотчиларнинг эътиборини тортмоқда. «Агар систем-структур парадигма тил тизимини билиш ва уни ташкил этиш билан тавсифланса, антропоцентрик парадигма тилни уни пайдо этувчи ва фойдаланувчилардан ажратиб олиб тушуниш ёки изоҳлаш мумкин бўлмаганлигини англаш натижасида юзага келади»⁶. Лингвокультурологиянинг тадқиқ объекти бўлиб турли тил бирликлари келиши мумкин. Бунда топонимлар алоҳида ўринни эгаллайди. Бу ҳақда Д.Худойберганова шундай ёзади: «Тилимиздаги ономастик бирликларни лингвомаданий жиҳатдан тадқиқ қилиш ўзбек лингвокультурологиясининг муҳим масалаларидан бири десак, хато қилмаган бўламиз. Чунки улар – миллат маданиятини кўрсатувчи энг асосий бирликлар саналади. Муайян халқ ономастик майдони унинг тарихи, маданияти, эстетик карашлари, маънавиятини ўзида жамлаган кўп қиррали ҳодиса ҳисобланади»⁷.

Умумий тилшуносликда, шу жумладан рус тилшунослигида топонимларнинг лингвокультурологик йўналишда ўрганилиши бўйича Т.В.Передреева, Л.Н.Давлеткулова, Е.А.Сизова, В.А.Ражина, Н.В.Усова, Ю.Г.Пушкарёва, А.С.Гальцова, И.А.Дамбуев, Е.Ф.Ковлакас, Г.С.Сударь, С.К.Сапиева, Н.И.Репринцева, Г.О.Халтуева, А.В.Уразметова, Л.Ц.Санжееваларнинг махсус ишлари амалга оширилди.

Туркий тилшуносликда бадиий матнлардаги ономастик бирликларни ўрганишга бағишланган ишлар ҳам мавжуд. Бу бўйича А.Р.Бектимирова, Г.З.Дарзаманова, Г.Р.Ганиева, Л.М.Хамитова, Ф.Р.Халыгов, С.С.Агабейли, С.А.Абдуллаева, Д.Т.Алиева, Ф.Б.Бағырова, Э.Микайылова, Е.Э.Шукурлу, Дж.Кязимов, Б.Х.Мусукаев, С.Е.Керимбаева, Д.М.Керимбаев, Қ.М.Оллоёров, Т.Қурбонов, М.Худойбердиева, Г.У.Жуманазарова, Д.Анданиязова, Г.С.Қурбоноваларнинг ишларини таъкидлаш лозим. Қорақалпоқ тилшунослигида фольклор асарларининг тилини махсус тадқиқ қилиш Ш.Н.Абдиназимовнинг «Қирқ қиз» достонининг лексикаси»⁸ мавзусидаги номзодлик диссертациясидан бошланди ва қорақалпоқ тилшунослигида «лингвофольклористика» алоҳида соҳа сифатида ривожлана бошлади. Шу билан бирга А.Т.Абдиевнинг «Алпомиш» достони тилининг лексик-семантик

⁶ Дементьева И.А. Антропоцентрический подход к исследованию когнитивной и лингвокультурной деятельности человека// Известия Самарского научного центра Российской академии наук, т. 15, №2, 2013. –С. 179

⁷ Худойберганова Д. Ономастик бирликларга лингвомаданий ёндашув хусусида// Ўзбек тили ва адабиёти, 2015. №6. –Б. 17

⁸ Абдиназимов Ш.Н. «Қырк қыз» дэстанының лексикасы: Филол. и. канд. ... дис. – Нөкис, 1992. –Б. 62-69

ва услубий хусусиятлари»⁹ мавзусидаги номзодлик диссертациясида дoston тилида учрайдиган жой номлари дoston тилининг лексик катламлари доирасида ўрганилган.

Биринчи бобнинг учинчи қисми «**Топонимлар таркибидаги миллий-маданий компонент**» деб номланади.

Топонимлардаги маълумот жуда бебаҳо, чунки «тил шахси, унга хос барча хислатлар – дунёқараш, тил тажрибаси, аналитик маҳорат, идрок этишга ижодий муносабат, атроф-муҳитни акс эттирадиган тил бирликларини англаши билан»¹⁰ характерланади.

Муайян объектга ном берувчи, яъни тил соҳиби, ўша объектни яқкалаш учун унга боғлиқ бўлган турли манбаларни тўплайди. Масалан, қорақалпоқ халқи географик объектларга ном беришда қуйидаги лексик бирликлардан фойдаланган деб қараш мумкин:

– табиий объектларни яқкаловчи (жап, дала, қыр, қудық, булақ, суў, жылға, сай, өзек, теңиз, адыр, арал, шөл, таў, көл, тас, аўыл, елат, журт, қала, дәрья, бағ) сўзлардан ясалган топонимлар.

– тана аъзолари орқали ифодаланган номлар (қолтық, киндик, табан, бүйрек, баўыр, мурын, бел, мойын, қан, тоғай, төбе);

– этнос номлари – этнонимлар, уруғ, қавм номлари (бүрkitмаңғыт, дүрмен, жамур, кәтенлер, қуланлы, мүйтен, ноғайлы, қарақыпшақ, қырғыз, қырық руў, тама, түрк, хожа ва б.);

– ўсимлик ва ҳайвонотларга боғлиқ номлар (жийдели, дарақлы, гүл, қызыл алма, шәман, соралы, бабыр, қарсақ, ғарға ва х.);

– табиий объектларнинг кўриниши ва миқдорига боғлиқ номлар (ақ, қара, қызыл, сары, көк, ала, куба, шубар, боз, үш, төрт, бес, қырық, қос, шар);

– тарихий ва маиший ҳодисалар билан боғлиқ (Арзымбет, Буғрахан, Мамый, Шүкиралы, Улықпан, Дәўқара каби).

Диссертациянинг «**Оламнинг лисоний манзараси ва топонимик номлар**» деб номланган иккинчи боби икки қисмга ажратиб ўрганилди.

Мазкур бобнинг «**Меморатив топонимлар**» деб номланган биринчи қисмида қорақалпоқ дostonларидаги этнотопоним, антропотопоним, зоотопоним, фитотопонимлар ҳақида мулоҳаза юритилди.

Этнонимларнинг ҳар хил усуллар орқали топонимлашуви – жой номига кўчиши қорақалпоқ дostonларида учрайдиган топонимларнинг салмоқли қисмини ташкил этади. Масалан, *Арғын, Армиян шөли, Барлас журты, Булғар, Бүрkitмаңғыт қала, Дүрмен, Қоңырат, Жамур таў, Жаман қоңырат, Ҳиндистан, Кәтенлер қаласы, Қуланлы атаў, Қуланлы сай, Мүйтен көл, Ноғайлы, Пәрең журты, Қарақыпшақ елаты, Қырғыздың Ала таўы, Қырық руў аўыл, Шынытатар ели, Тама ели, Төк таўы, Түрк, Түркстан, Хожа көли, Хожели* кабилар. Келтирилган мисолларда туб этнонимлар, ясама этнонимлар орқали, шунингдек, қўшма этнонимларнинг топонимлашувини кўришимиз мумкин.

⁹ Абдиев А.Т. «Алпамыс» дэстаны тилинің лексика-семантикалық хәм стилистикалық өзгешеликleri (Өгиз жыраў варианты тийкарында): Филол. и. канд.... дис. – Нөкис, 2011. –Б. 34-38

¹⁰ Климкова Л.А. Нижегородская микропонимия: разноаспектный анализ. – Арзамас, 2008. – С. 40

Төк тауы топоними «Едиге» достони тилида учрайди: *Этирапына көз салды, Мингени Төктиң тауы еди* («Едиге»); *Мингени – Төктиң тауы еди, Төк тауына минген соң, Бестөбениң таулары, Булжарланып көринди* («Едиге»).

Төк тауы хусусида қорақалпоқ фольклорида афсоналар келтирилган: кадим замонда ўжар дев Амударёни тўсиш учун этагига тупроқ солиб, дарёга келади. Халқ шовқин-сурон кўтариб, девни тўхтатишни ўйлайди. Бир кампир девга: – Дарёни тўс, одамлар сувсиз қолсин, – дебди. Дев эса инжиқланиб шу турган жойига тупроқни тўкибди. Шу тариқа Тўк тоғи пайдо бўлган. Шундай бўлсада бу топонимнинг келиб чиқишини илмий таҳлил қилиш, ўрганиш талаб қилинади. Бизнингча, бу топоним кипчоқ этнонимларидан бири негизида пайдо бўлган. Зеро, бу ном билан Кавказ, Озарбайжон, Доғистонда бир неча жой номлари учрайди. Масалан, Туг ойконими, Тугчай гидроними, XIX асрда Озарбайжонда Туг тоғи, Туг юрт ороними, Туг овули бўлган. Кавказда Тукдаг, Ток, Доғистонда эса Қуйи Туг ва юқори Туг каби элатлар жойлашган¹¹. Биз, муҳокама қилаётган Төк тоғи топоними ҳам келтирилган Туг/Ток/Тук этнонимларининг фонетик вариантлашуви асосида пайдо бўлган бўлиши мумкин.

Қорақалпоқ достонлари топонимиясида учрайдиган топонимларнинг маълум қисмини антропонимларнинг конверсия усулида жой номига ўтиши асосида пайдо бўлган номлар ташкил этади. Масалан, *Арзымбет қум, Бабай тау, Буграхан қаласы, Дәўқара, Мамый майданы, Шүкиралы тауы, Улықпанның тауы, Ақша тау* ва ҳоказо.

Қорақалпоқ достонлари топонимиясида изофали конструкциядаги топонимлар ҳам учрайди. Масалан, *Дәўпериниң қаласы, Омарханның қаласы, Фархадтың қаласы, Жанәдил шәҳри, Ақшаханның журты*.

Қорақалпоқ достонлари тилида ташқи конверсия усули ёрдамида ясалган топонимлар ҳам мавжуд. Уларга ўсимлик номларидан (фитотопоним), ҳайвонот дунёси (зоотопоним) номларидан ясалган жой номларини киритиш мумкин.

1) Ўсимлик номларининг топонимлашуви асосида ясалган жой номлари: *Жийдели-Байсын, Дарақлы жер, Гүл төбе, Гүлбаг, Қызыл алма шәҳәр, Шәман баг, Шағыр көл, Шағыр тау, Соралы ой* ва ҳоказо.

2) Ҳайвонот дунёси билан боғлиқ номлардан ясалган топонимлар: *Бабыр көл, Қарғалы сала, Қарғалы-Елек, Қарсақлы тауы, Қусхана, Сүёнли, Шортан жап, Шортан көл, Жулан шәҳәр* ва шу кабилар.

Иккинчи бобнинг «**Дескриптив топонимлар**» деб аталган иккинчи қисми қуйидаги гуруҳларга ажратиб ўрганилди:

1) *Топонимларнинг ясалишида географик терминлар иштироки.* Қорақалпоқ халқ достонларидаги жой номларини кузатганимизда уларнинг ясалишида географик терминларнинг хизмати алоҳида кўзга ташланади. Географик терминларнинг ўзини келиб чиқишига кўра олтой қатлами, туркий қатлам, ўзлашма ва гибрид қатламларга ажратиш мумкин. Географик

¹¹ Гейбуллаев Г.А. Топонимия Азербайджана (историко-этнографическое исследование). – Баку: Элм, 1986. – С. 43

терминларнинг олтой қатламига мансуб қол (*Қолтық қол*), дала (*Бетбақ дала*, *Ийт өлген дала*, *Шартаслы дала*), қыр, қыя (*Қырқыя дәрбент*), төбе (*Бес төбе*, *Мәсләхәттөбе*, *Қос төбе*, *Шубар төбе*), қудық (*Тас қудық*), булақ (*Ақбулақ*, *Бозбулақ*, *Ларзан булақ*, *Тасбулақ*), суў (*Ақсуў*, *Сарысуў*), жылға (*Қаражылға*), сай (*Қарасай*, *Қуланлы сай*, *Үшсай*), балық (*Балық*), өзек (*Киндик өзек*, *Көк өзек*, *Майлы өзек*), теңиз (*Арал теңиз*, *Аштархан теңиз*, *Қара теңиз*), адыр (*Адыр таў*), шөл (*Кенимех шөл*, *Қызыр шөли*, *Қаўас шөли*) сўзлари қорақалпоқ дostonларидаги топонимлар таркибида келган. Дostonлар тилидаги топонимларнинг ясалишида туркий қатламга оид көл (*Адырақ көл*, *Әүдек көли*, *Етекли көл*, *Миян көл*, *Тоғыстан көли*, *Хожса көл*), таў/дағ (*Алан таў*, *Ақша таў*, *Балқан таў*, *Хәсер таў*, *Көкен таў*, *Қап таўы*, *Қаратаў*, *Қыран таў*, *Қуба таў*, *Аташ дағ*, *Зарандип дағ*), тас (*Қаратас*), елат (*Қарақыпшақ елаты*, *Хорезм елаты*, *Сайрам елаты*), журт (*Барлас журты*, *Пәрең журты*) географик терминлари, ўзга тил ёки гибрид қатламга тегишли шәхәр (*Адақ шәхәр*, *Бухар шәхәр*, *Испаҳан шәхәр*, *Қызыл алма шәхәр*, *Зулмат шәхәр*), қала (*Бүйрек қаласы*, *Ерик қала*, *Кәтенлер қаласы*, *Қыпшақ қала*, *Қырық қыз қала*, *Шардағлы қала*, *Тасқала*), дәрья (*Әжемдәрья*, *Әмиўдәрья*, *Жаңадәрья*, *Қыпшақдәрья*, *Таллықдәрья*, *Хандәрья*), бағ (*Айналы Жаҳан бағ*, *Гүлбағ*, *Шәман бағ*, *Эрам бағы*), шәшме (*Ақшәшме*, *Араз шәшме*, *Сабзадара шәшме*) географик терминлари учрайди.

2) *Метафорик сомоним-топонимлар*. Тилнинг ҳар хил бирликларида халқнинг кундалик турмуш буюмлари ва инсон тана аъзолари номларининг учраши сермахсул усуллардан бири. Инсон тана аъзолари номлари ҳар қандай тилнинг лексик бойлигида қадимий луғат қатлам ҳисобланади. Бу номлар тилнинг турли лексик гуруҳларида – фразеологизмлар таркибида, сўзнинг кўчма маъноларида, тасвирий воситаларда фаол қўлланилади. Шунингдек, инсон тана аъзолари номлари ономастик номларнинг ясалишида ҳам муайян ўринга эга. Қорақалпоқ дostonлари топонимиясида инсон тана аъзолари номларини ифодаловчи киндик (*Киндик өзек*), табан (*Табан жол*), қолтық (*Қолтық қол*), бүйрек (*Бүйрек қала*), баўыр (*Баўыр көл*), мурын (*Қылмурын*), бел (*Шамлыбел*), мойын (*Қарамойын*), қан (*Қанлыкөл*), тоғай (*Қәпес тоғай*, *Аршалы тоғай*), төбе (*Бес төбе*, *Гүл төбе*, *Мәсләхәттөбе каби*) сўзлари учрайди.

Табан сўзи топонимларнинг ясалишида хизмат бажарувчи анатомик номларнинг бири ҳисобланади. Мисол: *Қалмақлардың халықлары, Оны Табан жол дер еди* («Алпамыс»). Юқоридаги мисолдаги *Табан жол* топоними таркибидаги *табан* сўзи одам тана аъзоси сифатида «оёқнинг тўбикдан пастки ерга тегадиган ялпоқ бети»ни билдиради¹². *Табан* сўзининг келиб чиқиши *теп* феъли билан боғлиқ бўлса керак. Топонимик номларда қўлланилганида эса, географик объектнинг табиий хусусиятини ифодалаб, 'текис', 'тақир' ёки 'тўғри' маъноларида келади.

3) *Топонимлар таркибида ранглар тавсифи*. Топонимлар таркибидаги ранг номларини махсус тарзда лингвомаданий нуқтаи назардан ўрганиш

¹² Қарақалпақ тилиниң түсиндирме сөзлиги. IV т. –Нөкис: Қарақалпақстан, 1992. – Б. 254

орқали халқнинг дунёқараши, оламнинг этник манзарасининг хусусиятлари тўғрисида маълумотларни олишимиз мумкин. Сабаби ҳар бир халқнинг рангларни тушуниш, идрок этиш тушунчалари кўпинча турлича бўлади. Шу боисдан ранг номлари тилдаги ҳақиқатни, географик номларни идрок этишда, уларнинг ўзига хослигини кўрсатишда муҳим ўрин тутди. Ранг рамзи тарафдорлари турли рангларни йил мавсумлари, дунё кутблари, қандайдир номаълум бўлган ёки қуёш, иссиқлик, қувонч, турли динлардаги рамзий маънолар, халқлар тарихи, маданий дастурлари билан боғлашади¹³. Қорақалпоқ дostonларида ранг билдирувчи сўзлар иштирокидаги топонимлар ҳам алоҳида гуруҳни ташкил этади. Ранг билдирувчи сўзлардан *ақ* (*Ақбулақ, Ақдәрья, Ақ төбе, Ақжап*), *қара* (*Қаратаў, Қаракөл*), *қызыл* (*Қызылқум, Қызылқудық*), *сары* (*Сары атаў, Сары шўңғил*), *көк* (*Көк теңиз*), *ала* (*Алатаў*) каби лексемалар топонимлар таркибида кўп учрайди. Қорақалпоқ дostonларидаги топонимлар таркибида бундан бошқа ранг-тусни билдирувчи сўзлар ҳам ишлатилган. Масалан, *боз* (*Бозбулақ, Бозатаў, Бозжап*), *шубар* (*Шубар таў, Шубар төбе*), *қуба* (*Қуба таў, Қуба көл*), *себиз* (*Сәрсебиз сай*) сўзлари қатнашган топонимлар бизнинг дostonларимиздан ўрин олган.

Дostonларда учрайдиган *ақ* ва *қара* компонентли топонимлар ҳам маълум бир услубий мақсадларда қўлланилганини кўришимиз мумкин. Масалан, «Бозуғлан» дostonининг бош қахрамони Бозуғланнинг юрти Ақдәрья деб: *Қыяметлик Бозуғланнинг достыман, Бизиң еллер Ақдәрьяны жайлаган* («Бозуғлан»); Унинг душмани бўлган Көбикли девнинг ери эса Қаракөл деб номланади: *Бабахан әскери менен Көбикли дәўдиң журтына келди. Қаракөл деген жерде Көбиклиниң мал багып жүрген шопанлары, қулары бар еди* («Бозуғлан»). Дostonда Бозуғлан ижобий, Көбикли дев эса салбий қахрамон сифатида тасвирлангани учун қарама-қарши маънодаги *ақ* ва *қара* сўзларининг топокомпонент сифатида келиб, уларнинг юқоридаги сифатларини далилловчи элементлар бўлиб келган деб ҳисоблаш мумкин.

4) *Топонимлар таркибидаги сонлар семантикаси.* Қорақалпоқ дostonларида сон иштирок этган топонимлар кўп эмас. Дostonларда фақат *үш* (*Үш сай*), *төрт* (*Төрткүл*), *бес* (*Бестөбе, Бесмазар*), *қырық* (*Қырық булақ, Қырық руў аўыл, Қырық қыз қала*) сон компонентли топонимлар учрайди. Шунингдек, миқдор маъносидаги *қос* (*Қоскөпир, Қос төбе*), *шар* (*Шардара, Шардағлы*) сўзлари ҳам топонимларнинг бир компоненти сифатида келиш ҳолатлари кузатилади. *Қос* сўзи *Қоскөпир, Қос мола, Қос төбе* топонимларининг таркибида учрайди: *Батыр туўган Қаражан, Қос көпирге келипти* («Алпамыс»); *Усы жердиң атағы, “Қос мола” болып қалады* («Гүлнәхәр»); *Қос төбени жағалап, Алдына бет алды* («Аманбай батыр»). Инсоният цивилизациясининг дастлабки босқичларидан одамларнинг нарсаларни, буюмларни қўш тарзда номлаш ҳолатлари учрайди. Бу ҳодисанинг сабабини, олимлар одамнинг тана аъзоларининг (оёқ, қўл, кўз, қулоқларнинг), олам ҳақида тушунчаларнинг ҳам жуфт, қўшлигидан (ер ва

¹³ Оцомиева-Тагирова З.М., Баширова Р.С. Цветовые характеристики аварского топонимического пространства // Филологические науки. Вопросы теории и практики. – Тамбов: Грамота, 2017. № 12(78). – С. 155

осмон, кўёш ва ой, куруклик ва сув, кун ва тун в.б.) келиб чиққан деб ҳисоблайдилар¹⁴.

Қорақалпоқ халқ достонларининг лексик таркиби жуда бой ва кўп қатламли. Унинг тилида сонларнинг англатадиган маънолари ҳам кўп қирралидир. Сонларнинг бундай маънолари халқнинг тарихий ўтмиши, унинг маданий, маиший, миллий дастурлари билан зич боғлиқ. Қорақалпоқ достонларидаги, умуман фольклор тилидаги тил бирликларининг маданий хусусиятларини ўрганиш халқ менталитетини билишга имконият яратади.

Тадқиқотнинг учинчи боби **«Қорақалпоқ достонларидаги топонимларнинг услубий-лисоний имкониятлари ва уларни идрок этиш хусусиятлари»** деб номланади. Ушбу бобнинг биринчи қисми **«Топонимларнинг услубий-лисоний имкониятлари»** деб аталади.

Ҳозирги лингвокультурологияда тилнинг тасвирий воситалари – метафора, ўхшатиш, фразеологизмлар, мифологемалар ва бошқалар тадқиқотнинг объектини ташкил этиб, уларнинг халқ миллий-маданий ўзига хослигини акс эттириши масаласи лингвокультурология соҳасида тадқиқот олиб бораётган тадқиқотчиларнинг эътиборини ўзига жалб этмоқда. Мана шу йўналишда достонлар тилидаги топонимлар ҳам тасвирийлик учун хизмат қилган.

Метафора. Қорақалпоқ достонларида учрайдиган *Кааба, Мадине, Мекке, Мысыр* топонимлари араблар таъсирида бизнинг тушунчамизда сакрал маъноларига эга бўлди. Бу топонимларнинг кўчма маъноларда қўлланилишида ёрқин кўринади. Достондаги баъзи топонимларнинг услубий вазифада метафорик усулда кўчиб, кўчма маънода қўлланилганлигини ҳам кузатамиз. Масалан, «Ер Зийўар» достонида:

*Деп Зийўардың анасы,
Айтар сөзин таўысты,
Қублагәҳи, Каабасы.* («Ер Зийўар»).

Ижрочи қариндошлик муносабатни билдирувчи сўзларни (она) қўлламасдан, унинг ўрнида қахрамоннинг онасини таърифлашда бадиий услубий жиҳатдан топонимдан фойдаланган. Қорақалпоқ адабиётида, айниқса достонларда онани *Кааба*га ўхшатиш ҳолатлари кўп учрайдиган ходисалардан бири.

Ўхшатиш. Ўхшатишлар турли сўзлар орқали ифодаланади. Ономастик бирликлар, айниқса топонимларнинг ўхшатиш маъносида келиши алоҳида таассурот уйғотади.

*– Жигирма бир жасым бар,
Отыз мың ләшкер қосшым бар,
Қара таўдай күшим бар,
Мен гәўирдиң улыман,
Қәтиржем бол геллегар.* («Ер Зийўар»).

¹⁴ Мурзаев Э.М. Тюркские географические названия. – М.: Восточная литература, 1996. – С.96; Стеблева И.В. К реконструкции древнетюркской религиозно-мифологической системы // Тюркологический сборник. –М., 1972. – С. 206-226.

Бу мисраларда *Қаратаў* онимида номинация маъносидан кўра ўхшатиш маъно кучли ҳисобланади. *Қаратаў* қорақалпоқ дostonларининг кўпчилигида учрайдиган ороним саналади. Юқоридаги мисраларда дoston қаҳрамонини таърифлашда *Қаратаў*ни ўхшатиш вазифасида ишлатилганлигини кузатамиз.

Бундай оронимларнинг қорақалпоқ халқининг кўп асрлик оғзаки ижодида, айниқса дostonлар тилида ўхшатиш эталони сифатида қўлланилишини қорақалпоқ халқининг бадий тафаккури, маданий-тарихий турмуши, умуман, ташқи оламни баҳолаш нормаларининг натижаси бўлиб, кўп замонлардан бери шаклланганлигини, узоқ ўтмишдан бошлаб оғзаки ижод тилида ишлатилиб, халқнинг оламнинг лисоний манзарасини акс эттиришдаги эталонларидан бири сифатида кўтарилганлигини кўришимиз мумкин.

